

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕҮРİЯТИДАГИ ТЕРАН ҲИКМАТЛАРНИНГ ЖОЗИБАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11126495>

Хамдамов Акрам Насриддинович

Иқтисодиёт ۋا педагогика университетى دوçентى، филология ۋانلارى نومزودى.

E-mail: xamatov akram

Худайназаров Икрам Имамович

Иқтисодиёт ۋا педагогика университетى، филология ۋانلارى نومزودى

E-mail: xudaynazarov ikram

Rezume Бадий асар муайян миллат шахсининг миллий үзига хослигини, унинг ҳис-туйгуларини, маънавиятини, маълум бир халқнинг анъаналарини ифодалайди. Миллий тил ۋا маънавияت үйгүнлашиши билан янги ҳаёт қайта туғилади. Абдулла Ориповнинг "Бемор ۋا تابىب, "Эски құдук" асарлари миллий тил ۋا халқ руҳини синтез қилиб, халқ тилининг жозибали гүзәллигини намоён этади.

Резюме Произведение искусства выражает национальную самобытность человека определенного народа, его чувства, духовность, традиции определенного народа. Новая жизнь возрождается благодаря слиянию национального языка и духовности. Произведения Абдуллы Орипова «Бемор ۋا تابىب,», «Эски құдук» синтезируют национальный язык и дух народа, показывают притягательную красоту народного языка.

Abstract Literature works expresses national peculiarity of defined nationality , its feelings spirituality and traditions of the nation with the unity of national Language and spirituality expresses new life in the works of A. Aripov "The Patient and the Doctor, "The Old Well" synthesizes the national language and peoples spirit and shows admirable beauty of folks language.

Kalit so'zlar: ijodkorlik; chiziqlar; badiiylik; til; san'at; originallik; ishlar; shoir.

Ключевые слова: творчество; строк; художественный; язык; искусство; сюжетное изображение; произведения; поэт.

Keywords: creativity; works; line; artistic; language; originality; poet.

Ҳар қандай инсоннинг қалби халқ закосидан, ўз халқи яратган сўз дурдоналари гўзаллиги кишининг завқ-шавққа тўладиради. Бу муazzам баҳрамандлик туйғуси ижод ахли яратган асарларда жуда аниқ қўзга ташланади.

Халқ оғзаки поэтик ижодидаги афсоналар, ривоятлар, эртаклар, қўшиклар мазмунини ўрганиш, халқ тилидаги сермаъно иборалар, фразеологизмлар, қочиримлар, кинояларни чуқур англаш халқ шоири Абдулла Орипов шеъриятининг таъсир кучи ва жозибасини оширади. Чунончи, шоирнинг “Эски қудук” (1987) шеъри Искандар Зулкарнайн ҳақидаги машҳур ривоят мазмунига таяниб ёзилган. Ривоятда айтилишича, шахсий сартароши Искандарнинг шохи борлигини кўриб, бу сирни ичига сифдиролмайди. Бирорга ҳам лом-мим деб оғиз очолмайди. Нима қилсин, ахир, ичидаги гапдан ёрилиб кетмаса бўлгани. Ахийри эски қудукқа бошини суқиб “Искандарнинг шохи бор!” деб қичқиради.

Шоир шеърида “ривоят” сўзини айнан қўллайди:

Ҳамма биладиган ривоят булдир:

Эмиш Искандарнинг бор экан шохи.

Уни яширолмай сартарош қургур

Қудукқа айтибди, шудир гуноҳи.

Шу тахлит “сартарош қурғур” ичига яширган сирли изтироб, дарддан холос бўлади. Шеър қуидаги банд билан тугайди:

Яшаб келмоқдаман ўзимга кўра,

Ўтган-кетган сирдан кўнглим эрур тўйқ.

Лекин недир менга етишимас сира,

Балки етишмайди у эски қудук.

Шоир ўзи таъкидлаганидек, бу ҳамма биладиган доно халқнинг ўлмас бир ривоятидир. У жуда қисқа бир тарзда - бор-йўғи тўрт сатр ҳажмида маҳорат билан ифода қилинган. Аммо “қисса”дан чиқариладиган “ҳисса” кейинги бандда мужассам. Лирик қаҳрамон қиёфаси қадим ривоятдаги образдан фарқ қиласди. Шоир шу ўринда ривоят асосида фикр-мулоҳаза айтиш жараёнида оригинал йўл тутади. Лирик қаҳрамон ичи дардга, сирга тўла. Бироқ у ўз гапини бемалол айта олмайди, унга ўша сартарошдан қолган эски қудук лозим. Шеърнинг охирги мисрасида “балки” ёрдамчиси қўлланган. Бунда иккиланиш, эҳтимолга берилиш, эҳтиёткорлик ва энг

мухими андишага бориш сезилади. Аслида у ичини бўшатиш учун гапириши ҳам, гапирмаслиги ҳам мумкинdir. Чунки бу лирик қаҳрамон “ҳар қандай рост ҳам дегулик эмас” (Алишер Навоий) мазмунидаги шарқона ҳикматни жуда яхши билади. Бу ўринда биз учун муҳими шоирнинг шеър мағзига ривоят моҳиятини синдиргани, ўша ривоят таъсирида оригинал бир шеър битганидир.

“Бемор ва табиб” (1987) шеърида эса bemor билан табиб ўртасида кечган савол-жавоб орқали бадиий мақсадга эришилади.

- Сочим тўқилмоқда, эй доно табиб,
Нима қилмоқ керак, чорасини айт.
- Эллик йил юрибсан уни кўтариб,
Яна ҳаққинг борми? Боқ унга лоқайд.

Кейинги: Қулогим яхши эшиитмаяти. Юрагим санчмоқда каби саволларга ҳам, бу табиий ҳол, эътибор бермасдан бемалол юравер деб маслаҳат беради табиб. Бемор табибнинг айтганларини тўла бажаради, яъни кечалари донг қотиб ухлайди:

Ўша кун ухлади у дориломон,
Беморни ҳаловат базрига ютди.
Аъзолар ҳордиққа чиқмиши, йўқ гумон,
Уларнинг борлигин буткул унумтди.
Бемор хурсанд эди, шод эди, хуллас,
Шифо топган эди малҳамсиз, текин...

Беташвиш яшай бошлаган bemor бутунлай соғайиб кетади. Бу мўъжизанинг сабабини сўраб келганда:

Табиб жавоб қилди: ўзингни, бўтам,
Йўқ деб ҳисобласанг-киргайсан минга!

Табибнинг жавобида, bemornинг соғайиши тасвирида ҳалқ оғзаки ижодига хос бадиий тасвир воситаларидан бири - муболага санъати қўлланилган. Майда икир-чикир ташвишларни писанд қилмасдан, буюк орзу-мақсадлар билан яшаган киши юзга кириши мумкин. Иккинчидан, табиб bemorга руҳан таъсир қилган, bemor руҳан тетиклашган, ўзидағи

хасталикларни йўқ деб ҳисоблаган. Мухим бир жиҳати шуки, шеърда айтилмоқчи бўлган мазмун, фикр қаймоғи сўнгги икки мисрага жойланган. Сиртдан у жўн гапдай туюлиши мумкин. Аслида халқона поэтик тафаккурга хос хусусиятларда бири ҳам шу соддалик моҳиятига яширинган доноликдир. Мисраларга ичдан назар ташланса, кучли муболағага “ўралган” чуқур маъно мужассамлашгани аёнлашади. Ушбу мазмун аниқ асосга эга. Унинг таянч нуқтаси “ўзингни йўқ деб ҳисобласанг” жумласидир. Тирик бўла туриб йўқ бўлиш, “ўлмай туриб ўлиш”, “фано бўлиш” бу - аслида мумтоз шарқ адабиётининг етакчи мотивларидан, тасаввуфнинг устувор гояларидан бири ҳисобланади. Кўринадики, бадиий тасвирда фольклор либосидаги тасаввуфий ғоя илгари сурилади.

“Бемор ва табиб” шеъридаги лирик қаҳрамон, табиб маслаҳатича, йўқликни ихтиёр этса, bemalol мингта кириши мумкин. Эҳтимол, шоир бу қарашни мутлақо назарда тутмагандир. Абдулла Ориповнинг жиддий шеърлари табиатида ҳам халқнинг ўткир маталғўйларига хос нимтабассум, жиддият ортида яширинган ҳикмат мужассам бўлади. Хўш, одам тирик бўла туриб, ўзини қандай қилиб йўқ деб ҳисобласин? Бунинг учун инсон вақт измидан чиқиб тутқунлигидан қутулади, демақдир. Бу нарса шеърга ҳам сўфиёна, ҳам миллий рух бағишлаган.

Лекин шеърдаги мумтоз гояни дастлабки ўқишида илғаш қийин. Ҳали айтганимиздек, шеърда бу каби мумтоз, жиддий ғоядан қўра юмористик мотив, ҳазил тариқасида айтилган маъно етакчилик қиласди, яъни ўзингни йўқ деб ҳисобласанг, ҳеч қандай дардга чалинмайсан, ёшинг ҳам мингта етади. Кундалик қўлланишда ўзини йўқ деб ҳисоблаш ҳақиқатдан ҳам кулгили ва бўлиши мумкин бўлмаган гап. Лекин бу ножиддий гап тагида чуқур маъно ҳам бор. Баъзан халқ таъбирларидағи жуда содда ва оддий кўринган фикр моҳиятан чуқур илдизга эга бўлади. А.Ориповнинг юқоридаги шеъри ҳам шу фазилатдан холи эмас.

Шоир ижодининг ўзига хос томонларидан яна бири шундаки, унда азалдан худди эртаклар, масаллар ва мақолларга монанд сюжетли шеърга иштиёқмандлик сезилиб туради. Инсон тақдирини, психологик кечинмаларини ифодалашда, ҳаёт ҳақиқатини қўрсатишда бу усул ғоят қўл келади:

Юз ўйил яшаса ҳам бир бечора зот,
Тўймадим ҳеч, дебди, бу нечук ҳикмат.
Оҳ, қандоқ шириндир шу тахир ҳаёт,

Оҳ, қандок гўзалдир шу жулдур қисмат.

Эл орасида оғиздан-оғизга ўтиб юрган эртак, ривоят ва афсоналарда узоқ умр кўрса ҳам, вақти соати етиб бу ёруғ дунёдан кетишни истамай, абадий ҳаёт сувини ичиб, мангу яшашга интилган кишилар феъл-автори кўрсатилади. Дунё молини йиққанда ҳам тўйишини билмай, яна бойликка ружу қўйган ҳукмдорлар, бойлар руҳияти тасвирланади. Шоир бундай кимсаларнинг психологиясини ёритишда орифона икки мисрага жамланган маъно орқали кутилмаган чуқур фалсафий холосага келади: "Оҳ, қандок шириндир шу тахир ҳаёт, Оҳ, қандай гўзалдир шу жулдур қисмат". "Ширин" билан "тахир", "гўзал" билан "жулдур" орасида зиддият бор, шоир тазоддан фойдаланади. Айни дамда шеърда қўлланган сўзлар содда, халқона, нозик ва чуқур фалсафий мазмунга эга. Шеъриятдаги фалсафийлик халқ донолигини, сайқалланган фикрлар қаймоғини шеърга сингдира билиш маҳоратидир. Зеро, халқ - доно ижодкор. Унинг тилида ва дилида нафақат ўз авлодининг, балки аждодларнинг ҳам ҳаёт тажрибаси, донолиги, ҳикматлари жамулжам тарзда ўз аксини топган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Борхес Х.Л. Сочинения в трех томах. Т.1. -М., 1994. -С.41
2. Краткая литературная энциклопедия. т. 5, М.,1968. - с.114.
3. Горький М. Адабиёт ҳақида. -Тошкент: 1962. -Б. 321.
4. Орипов Абдулла. Танланган асарлар. 4 жилдлик.-Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. 4-жилд. -Б.74.
5. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. -Тошкент, 1956.-Б. 690-691.
(Насрий баён муаллифи F.Фулом).